



ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ҚОНУНЧИЛИК ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ ТАҲЛИЛИ

Тожибоев Жасур Маҳмудбоевич
Жиноят ишлари бўйича Қибрай туман
судининг тергов судьяси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20823895>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-iyun 2026 yil
Ma'qullandi: 22-iyun 2026 yil
Nashr qilindi: 24-iyun 2026 yil

KEYWORDS

оилавий зўравонлик, маиший
зўравонлик, тазйиқ ва
зўравонлик, ҳуқуқий ҳимоя,
маъмурий ҳамда жиноий
жавобгарлик, ҳимоя ордери,
профилактика, ҳуқуқни
қўллаш амалиёти,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2026 йил 3
мартдаги ПФ-33-сон
Фармони.

ABSTRACT

Мазкур мақолада оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашиш соҳасидаги миллий қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар учун белгиланган ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган. Шунингдек, оилавий зўравонликнинг жамият ва оила институтига салбий таъсири, унинг келиб чиқиш сабаблари ва профилактикасининг ҳуқуқий механизмлари ўрганилган. Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари, жумладан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси, «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, Олий суд Пленумининг тегишли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги ПФ-33-сон Фармони нормалари таҳлил қилинган. Мақолада оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, профилактика механизмларининг самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида учраётган айрим муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Оилавий (маиший) зўравонлик инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилувчи, оила институти барқарорлигига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий муаммолардан бири ҳисобланади. Мазкур турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши самарали курашиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда кенг қўламли ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди.

Дастлаб, 2019 йилда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун мазкур соҳадаги асосий ҳуқуқий ҳужжат сифатида хизмат қилди. Мазкур Қонун билан тазйиқ ва зўравонлик тушунчаси, унинг шакллари, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда уларни ҳимоя қилиш механизмлари ҳуқуқий

жиҳатдан мустаҳкамланди. Шунингдек, ҳимоя ордери институти жорий қилиниб, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланди.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатдики, фақат профилактик ва муҳофаза чоралари оилавий зўравонлик ҳолатларини тўлиқ бартараф этиш учун етарли эмас эди. Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарларга нисбатан таъсирчан жавобгарлик чораларининг мавжуд эмаслиги такрорий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлмоқда эди.

Шу муносабат билан 2023 йил 11 апрелда қабул қилинган қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 59²-модда ҳамда Жиноят кодекси 126¹-модда билан тўлдирилди. Натижада биринчи марта оилавий (маиший) зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг алоҳида ҳуқуқий механизми шакллантирилди.

Мазкур нормаларга мувофиқ, шахснинг хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган муайян ҳаракатлари оилавий (маиший) зўравонлик сифатида баҳоланиши белгиланди. Бунда жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқлари, таълим олиш, соғлиқни сақлаш, меҳнат қилиш ҳуқуқларини чеклаш, мол-мулкка қасддан шикаст етказиш, ҳақорат қилиш, қўрқитиш, яккалаш ҳамда соғлиқнинг бузилишига олиб келмаган жисмоний таъсир кўрсатиш каби ҳаракатлар ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

Шунингдек, оилавий (маиший) зўравонликка оид қонунчилик нормаларини тўғри ва бир хил қўллашни таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҳуқуқий позициялари муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Олий суд Пленумининг «Баданга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорига 2023 йил 20 ноябрда киритилган қўшимчалар билан судларга оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни квалификация қилиш юзасидан қатор тушунтиришлар берилди. Ушбу тушунтиришларда оилавий (маиший) зўравонлик тушунчаси очиқ берилган бўлиб, жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонликнинг мазмуни ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланди.

Жумладан, Пленум қарорида оилавий (маиший) руҳий зўравонлик деганда шахснинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишини чеклаш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва соғлиқни сақлаш ҳуқуқларига тўсқинлик қилиш, мулкига зарар етказиш ёки ҳаёти ҳамда соғлиғи учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш каби ҳаракатлар тушунилиши қайд этилган. Шу билан бирга, иқтисодий зўравонликнинг мазмуни ҳам аниқлаштирилиб, мулкӣ ҳуқуқларни чеклаш ва мол-мулкка қасддан шикаст етказиш каби ҳаракатлар мазкур турдаги зўравонлик сифатида баҳоланиши белгиланган.

Пленум қарорида судларнинг эътибори оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ жиноятларни умумий тартибдаги баданга шикаст етказиш жиноятларидан фарқлаш зарурлигига қаратилган. Айниқса, хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган ҳаракатларни квалификация қилишда ЖКнинг 126¹-моддаси қўлланилиши лозимлиги бўйича муҳим ҳуқуқий позициялар шакллантирилган.

Мазкур тушунтиришлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона ёндашувни таъминлаш, қилмишларни тўғри квалификация қилиш, айбдор шахс ҳаракатларига адолатли ҳуқуқий баҳо бериш ҳамда жабрланувчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, Олий суд Пленумининг мазкур ҳуқуқий позициялари оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини амалиётда самарали татбиқ этишга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур нормаларнинг жорий этилиши оилавий зўравонлик ҳолатларини аниқлаш ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш имкониятларини кенгайтди. Илгари умумий тартибда квалификация қилиниб келган айрим ҳаракатлар эндиликда махсус норма асосида баҳоланмоқда. Бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир хил ёндашувни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, амалиётда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, жабрланувчиларнинг мурожаат қилишдан чўчиши, оилавий муносабатларни сақлаб қолиш истаги, иқтисодий қарамлик, ижтимоий босим ва бошқа омиллар ҳуқуқбузарликларнинг яширин қолишига сабаб бўлмоқда. Натижада расмий статистикада акс этган ҳолатлар ҳақиқий вазиятни тўлиқ ифода этмаслиги мумкин.

Бундан ташқари, айрим ҳолларда оилавий (маиший) зўравонлик билан боғлиқ ҳаракатларни бошқа ҳуқуқбузарликлардан ажратишда қийинчиликлар юзага келмоқда. Хусусан, руҳий тазйиқ, иқтисодий зўравонлик ёки узоқ вақт давом этадиган психологик босим ҳолатларини исботлаш масаласи ҳуқуқни қўлловчи органлар фаолиятида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

1. Сўнгги босқичда мазкур соҳадаги ҳуқуқий ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 3 мартдаги ПФ-33-сонли «Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида»ги Фармони билан янада ривожлантирилди. Мазкур Фармонда аёллар ва болаларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, ҳимоя ордери берилган шахсларни қўшимча ҳимоя механизмлари билан таъминлаш, зўравонлик ҳолатлари бўйича махсус тайёргарликдан ўтган терговчи ва судьялар фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, фемицид, сталкинг, киберзўравонлик каби замонавий таҳдидларга қарши ҳуқуқий чораларни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди. Ушбу Фармон оилавий (маиший) зўравонликка қарши курашиш соҳасида профилактика, муҳофаза ва жавобгарлик чораларининг ўзаро уйғунлигини таъминлашга қаратилган янги босқичдаги комплекс ҳуқуқий механизмларни шакллантирди.